

ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

30 АПРЕЛЬ, ШАНБА № 85 (833). Сотувда эркин нархда. 1994 йил

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН КЕЛГАН ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ҲИҚМАТ ЧЕТИННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ЗУФАРОВ тасвири. (ЎзА).

Ўзбекистон раҳбари турк ва ўзбек халқлари ўртасидаги қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси учун Ҳикмат Четинга миннатдорлик изҳор этди. Турк халқига барча соҳаларда муваффақият тилади. Ҳикмат Четин Туркия раҳбарларининг саломини

етказар экан, икки қардош халқ ўртасидаги алоқалар муваффақиятли ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги янги ҳамкорлик янги натижалар бераётганини таъкидлади. Аяни пайтда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар ҳусусида сузла-

ди. Туркияликлар Ўзбекистон раҳбарини амалга оширилган ислохотларни катта қизиқш билан кузатиб боришяпти, деди Ҳикмат Четин. Қабул маросимида Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фахуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эрдугон Айтун мам-

лакатимиз Президентга ишонч ёрлигини топширди. Ислом Каримов элчини Ўзбекистонда фаолият бошлаётганлиги билан табриклаб, унинг икки мамлакат ва халқ манфаати йўлида хизмат қилишига умид билдириди. Дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Туркия му-

носабатларининг турли жиҳатлари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. *** Шу кунги Туркия ташқи ишлар вазири Ҳикмат Че-

НАМАНГАН ШОЙИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БИР ГУРУҲ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ПРЕЗИДЕНТИ Б. Н. ЕЛЬЦИНГА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДАВЛАТ ДУМАСИ РАЙСИ И. П. РИБКИНГА

ОЧИҚ ХАТИ

Биз, Ўзбекистонда яшашган руслар, Сиз, Президент жаноблари ва давлат Думаси Россия либерал-демократик партиясининг раҳбари Владимир Жириновский ва унинг ҳаммаслаклари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиши Марказий Осиёдаги мустақил давлатларга нисбатан очикдан-очик шовинистик фикрлар баён қилаётгани ва режалар тузаётганига муросасозлик билан қаратганингиздан ҳайратга тушиб, ажабланмоқдамиз.

Биз, бу замида яшашган руслар, меҳнатсевар ва меҳмондўст ухбат халқи билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тинчлик, осойишталик ва миллий тотувликни таъминлашга қаратилган сиёсатини қўриб ва ҳис қилиб турибмиз.

Биз Москвада яшайдиган жавоб Жириновский бизнинг турмушимиз, ўзбек халқи билан ўзаро муносабатларимизга аралашинган руслар, Сиз, Президент жаноблари ва давлат Думаси Россия либерал-демократик партиясининг раҳбари Владимир Жириновский ва унинг ҳаммаслаклари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиши Марказий Осиёдаги мустақил давлатларга нисбатан очикдан-очик шовинистик фикрлар баён қилаётгани ва режалар тузаётганига муросасозлик билан қаратганингиздан ҳайратга тушиб, ажабланмоқдамиз.

Сизлар — халқ ҳокимияти ишонч топширган кишилар — айрим сиёсатдонларнинг беаъми даъволари устидан ҳақиқат тантанасини таъминлайсизлар, деб умид қиламиз. Сизларга ҳурмат билан, Галицкая, Афанасьева, Черемисина, Лобкина, Голованова, Шегина ва бошқалар.


ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР СОҒЛОМ БЎЛСИН

Наманганда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш муаммоларига бағишланган минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Кенгаш ишда Фарғона vodiёси вилоятларидан турғуқонларнинг ҳал этишдаги қийинчиликлар ҳусусида қийинчиликлар билдирилди, маҳаллий соғлиқни сақлаш ташкилотлари ҳам тақлиф этилган эди. Чунки оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиши яхшилаш — соғлиқни сақлаш ҳодимларининг иши эмас. Бу борда кўп иш, жумладан шифохоналари, поликлиникалари моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, уларга зарур жиҳоз ва дори-дармон етказиб бериш маҳаллий ҳокимият идораларининг фаолиятига ҳам боғлиқ.

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИДА КОНУНГА ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

«...ўз вазифамни ҳалол, виждонан адо этишга, одил судловни амалга оширишга ва Президентимиз, мамлакатимиз раҳбарияти илгари қасамёд қилганам». 29 апрель кунги, Республика Олий суди пленуми ўтаётган залда бу сузлар қайта-қайта такрорланди. Янги сайланиб, республиканинг суд идораларида ўз вазифасини бажаришга киришган судьялар Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мустақил давлатимиз байроғи остида Конституция ва адолатга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қилдилар. Тантанادا сузга чиққан Олий суд раиси У. Мингоев ислохотларни амалга оширишда, ҳақиқий демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этишда, бугунги кунда Президентимиз, мамлакатимиз раҳбарияти илгари қасамёд қилганамиз ва вазифаларини аъмолий ҳал этишда суд органларининг аҳамияти тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Пленум ўз ваколатига мувофиқ аниқот судлари ҳайъатлари раёсатлари таркиби ва раисларини тасдиқлади. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришда бўлган бир қанча муайян ишлар, шунингдек Республика Олий суди ваколатига тегишли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. (ЎзА).

ИШОНЧ ЕРЛИГИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛЛОДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖАНОБ ЭРДУГОН АЙТУН



1935 йил 10 майда Ускулда шаҳрида туғилган. 1962 йилда Анқара университетининг сиёсий фанлар факультетини тамомлаган. 1964 йилдан бери дипломатик хизматда. 1962—1964 йиллар — ҳарбий кучлар сафида хизмат қилган. 1964—1967 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида учинчи, иккинчи котиб. 1967—1970 йиллар — Туркиянинг Нидерландиядаги элчихонасида иккинчи, биринчи котиб. 1970—1972 йиллар — Туркиянинг Ироқдаги элчихонасида биринчи котиб. 1972—1974 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида биринчи котиб, иккинчи ва сўбат бўлими мудири. 1974—1978 йиллар — Туркиянинг Эрондаги элчихонасида маслаҳатчи. 1978—1980 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудири. 1980—1984 йиллар — Туркиянинг Ватикандаги элчихонасида маслаҳатчи, маслаҳатчи вакил. 1984—1986 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида маданият масалалари бўйича бўлим мудири. 1986—1989 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида маданият бошқармаси бош директорининг ёрдамчиси. 1989—1994 йиллар — Туркиянинг Катар давлатидagi элчиси. Француз тилини мукаммал билади. Уланган, икки фарзанди бор. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўбаси.

ЭЛЧИХОНАДАГИ УЧРАШУВ

Республикамизнинг Россия Федерациясидаги элчихонасида 27 апрель кунги Москвада чет эл мухбирларининг уюشمаси кенгашининг ўзгалари билан учрашув бўлди. Унда мазкур уюшма президенти, Кувейт ҳукумат ахборот агентлиги бюроси мудири Адиб ал-Сайед, чет мамлакатлардаги бир қатор нуфузли нашрларнинг вакиллари иштирок этишди. Сўхбатда Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг бош директори Ҳазраткулов қатнашди.

Ўзбекистон Республикасининг Россиядаги фахуллода ва мухтор элчиси Ю. Абдуллаев чет эл журналистларига Ўзбекистонда бўлиб ўтган иқтисодий-иқтисодий ўзгаришлар, республика Президентининг Ислом Каримов амалга ошираётган тинчликсевар сиёсат асослари ва унинг янги натижалари тўғрисида ахборот берди. Минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон тугатган йўлининг аҳамияти, халқаро майдонда республиканинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси олдидан

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛДИЛАР

ФАРҒОНА

Фарғонада вилоятдан сайланган Ўзбекистон халқ депутатларининг республика Олий Кенгаши ўн бешинчи сессиясига доир масалаларни муҳокама қилишга бағишланган учрашув бўлди. Уни вилоят ҳокими М. Исомов очди. Учрашувда республика Олий Кенгаши мандат комиссиясининг раиси Ш. Мирзиёев, Ўзбекистон адлия вазири А. Мардиев қатнашди.

АНДИЖОН

Андижонда вилоятдан сайланган Ўзбекистон халқ депутатларининг йиғилиши бўлди. Уни вилоят ҳокими Қ. Обидов бошқарди. Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов Олий Кенгаш ўн бешинчи сессияси муҳокамасига киритилган масалаларни муҳокама қилишга бағишланган учрашувда сузга чиқиб, сессия

НАМАНГАН

Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси арафасида Наманган вилоятдан сайланган Республика халқ депутатлари сессия кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар. Учрашувни Наманган вилояти ҳокими Б. Рапагаев бошқарди. Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов учрашув иштирокчилари ҳузурида нутқ

ҚАРШИ

Қаршида вилоятдан сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари билан учрашув бўлди. Уни Қаршидаги вилоят ҳокими Т. Хидиров бошқарди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Вугров учрашувда сузга чиқиб, Олий Кенгаш ўн бешинчи сессияси муҳокамасига мамлакат ҳаётида жуда катта иқтисодий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиши таъкидлади.

ТЕРМИЗ

Термизда вилоятдан сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари, шунингдек, шаҳар ва туман ҳокимларининг йиғилиши бўлди. Унда Республика Олий Кенгаши ўн бешинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишнинг вилоят ҳокими Ж. Норуллоев бошқарди.

ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» ДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

29 апрель кунги Тошкентда «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюشمаси корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлди. Семинар-кенгашда давлат мулкнинг бошқариш ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг масъул ходимлари, «Тошкент» республика жамғармалар биржаси вакиллари, тармоқ корхоналарининг раҳбарлари ва ходимлари тақлиф этилди. Хукумат қарорига мувофиқ ва етакчи хорижий мамлакатларнинг тақрибасини ҳисобга олиб, «Ўзбекенгилсаноат» тизимида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилди. Давлат корхоналарини, ишлаб чиқариш бirlашмаларини, шунингдек ёшиқ тусдаги акционерлик жамиятларини йил охиригача очик тусдаги акционерлик жамиятига айлантириш мўлжалланмоқда. Акциялар корхоналарининг хусусийлаштиришга қараб, меҳнат жамоаларига, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга, жумладан хорижий шахсларга сотиладди. Семинар чоғида бу ишни бажариш йўллари ва усуллари кўриб чиқилди. (ЎзА).

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САҢАТ ВА МЕҲМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚУМИТАСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меҳморчилик соҳасида Давлат мукофотлари қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Абдулла Қодирий номидаги 1994 йилги Давлат мукофотларига асарлар тақдим этиш учун қўшимча қабул эълон қилди. 28-хона, Тошкент шаҳри, 1-уй, Асарлар тақдим этишнинг қўшимча муҳлати шу йилнинг 2 майдан 2 юнигача. Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжатлар тайёрлашга оид барча масалалар юзасидан қўмитанинг кўйидаги маълумоти мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри — 700000, Абдулла Тўғай кўчаси, 1-уй, Асарлар тақдим этишнинг қўшимча муҳлати шу телефон — 34-93-22.

